

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI HUZURIDAGI
“MA’NAVIYAT VA MA’RIFAT”
MARKAZI**

100095, Toshkent shahar, Talabalar shaharchasi, Talabalar ko‘chasi, 70
Telefon: (998-71) 246-95-43 Faks: (998-71) 246-64-75
e-mail: mm.markaz@umail.uz



**“SPIRITUALITY AND EDUCATIONAL”
CENTRE UNDER THE HIGH AND
SECONDARY MINISTRY OF
EDUCATION THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100095, Tashkent city, Talabalar city, Street Talabalar, 70
Phone: (998-71) 246-95-43 Fax: (998-71) 246-64-75
e-mail: mm.markaz@umail.uz

08.09.2020 № 01-07/288

**Олий таълим муассасалари
ректорлари, филиаллар ва
академик лицей ҳамда касб-
хунар коллежлар директорларига**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов томонидан 2019 йил 30 сентябрда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та ташаббуси бўйича имплементация стратегиясини жорий этиш бўйича чоратadbирлар режаси”нинг 9-бандига мувофиқ “**Рассом устахонасида меҳмонда**” онлайн-танлови лойихаси ўтказилиши режалаштирилган.

Мазкур онлайн-танловда иқтидорли талаба-ёшларни кенг жалб қилишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз. Танловнинг Низоми иловага мувофиқ юборилмоқда (маълумот учун ташкилий гуруҳ аъзоси Д.Мирхусанова тел.: 97 330-32-73).

Директор в/б



М.Ботиров

“Уйда қолинг ва ижод қилинг” онлайн-танлови

Ўзбекистон Бадий академияси Президентнинг 5та ташаббуси чора-тадбирлари доирасида “Уйда қолинг ва ижод қилинг” шиори остида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва бадий таълим йўналишида бўлмаган олий таълим муассасалари талабалари ўртасида тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишлари бўйича онлайн-танлов эълон қилади.

Онлайн-танловнинг мақсад ва вазифалари:

- ёшларни тасвирий ва амалий санъат оламига кизиштириш;
- уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш;
- янги иқтидорларни кашф этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш;
- ёшларимизни касбга йўналтириш.

Онлайн-танлов шартлари:

Онлайн-танлов эркин мавзуда ўтказилади. Яратилган ижодий ишларда Ўзбекистон маданияти ва санъати, урф-одат ва қадриятлари, Истиқлол йилларида турли соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар ва бошқалар аке эттирилиши мақсадга мувофиқ.

Маънавиятимизга зид равишда яратилган ижодий ишлар қабул қилинмайди.

Онлайн-танловда иштирок этиш иштиёқини билдирган ёш иқтидорлар карантинда ўзлари яратган ижод намуналаридан тайёрланган роликларни Бадий академиянинг Ташкилий гуруҳига 97 330-32-73 телеграм рақамига ёки dilobar-7777@mail.ru электрон манзилига 15 октябрга қадар тақдим этадилар. Роликнинг титул саҳифасида Иштирокчининг сурати, Ф.И.Ш., тахсил олаётган таълим муассасаси кўрсатилган бўлиши лозим. Шунингдек, ҳар бир иштирокчи қайта алоқага чиқиш мумкин бўлган электрон манзил ёки телеграм рақам тақдим этиши керак.

Онлайн-танлов иштирокчилари:

6 ёшдан 25 ёшгача бўлган мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва бадий таълим йўналишида бўлмаган олий таълим муассасалари талабалари.

Онлайн-танлов иштирокчиларини баҳолаш:

Тўпланган барча роликлар Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоларидан таркиб топган Баҳолаш комиссияси томонидан қуйидаги номинациялар асосида баҳоланадилар.

- Энг яхши ғоя муаллифи
- Энг яхши рангтасвир асари
- Энг яхши график асар
- Энг яхши амалий санъат асари
- Энг креатив ролик муаллифи

Ҳар бир номинация ғолиблари қуйидаги ёш категориялари ўртасида аниқланади:

- 6 ёшдан 10 ёшгача
- 11 ёшдан 15 ёшгача
- 16 ёшдан 20 ёшгача
- 21 ёшдан 25 ёшгача

Онлайн-танлов иштирокчиларини тақдирлаш:

Онлайн-танлов ғолиблари Диплом билан тақдирланадилар.

Бундан ташқари ҳар бир иштирокчига онлайн-танловда иштироки учун Сертификат тақдим этилади.

Диплом ва Сертификатлар Ўзбекистон Бадий академияси томонидан электрон тарзда эгаларига етказилади.